ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00275

БАДИИЙ МАТНЛАРДА УСЛУБИЙ ВОСИТАЛАРНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Сергей Илларионович Абкадиров
Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги профилли меҳнат таълимига ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола бадиий матнларда стилистик воситаларнинг қўлланилиш усуллари ва персонаж нутқини ёритишдаги аҳамиятини назарий билимларга таянган ҳолда мисоллар орқали асослаш масалаларига бағишланган.

Калит сўзлар: бадиий матн, стилистик восита, нутқ, меъёр.

EXPRESSION OF METHODOLOGICAL MEANS IN LTERARY TEXTS

Sergey Illarionovich Abkadirov
State Secondary School Specializing in Specialized Labor Education under the Ministry Of Public Education of the Republic Of Uzbekistan

ABSTRACT

This article focuses on the methods of application of stylistic means in literary texts and the importance of character speech in illumination basing on theoretical knowledge through examples.

Keywords: literary text, stylistic device, speech, norm.

КИРИШ

Маълумки, нутқ икки шаклда бўлиб, булар – оғзаки ва ёзма. Оғзаки нутқнинг маънодорлиги, тўғрилиги ҳамда хилма-хиллиги сўзловчининг дунёқараши ва билимига боғлиқдир. Бадиий адабиётда ифодаланган тил сайқалланган, тўғрироғи сермулоҳазали, пурмаъно ва қолаверса, ёзувчининг маҳорати намоён этилган фикрлар мажмуи сифатида қоғозга туширилади. Ёзувда қўлланиладиган тил бирликлари норма, грамматик ва бошқа воситалар орқали тартибга солинади. Бунда, албатта, мулоқот ёки вазиятга мувофиқ равишда тилдаги фонетик, лексик, фразеологик ва грамматик воситалар танланади. Тил тарихи халқнинг ўтмишини ўзида акс эттирса, ривожланган

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00275

миллий тил эса ўзига хос турли стилни ўзида мужассамлаштириб, миллий кўзгуни ифодалайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Жамиятнинг ҳар бир ривожланиш босқичида вужудга келган стилларни қиёслаш ва таққослашни амалга оширадиган норма миллий тилнинг “юраги” ҳисобланиб, у услуб асосини ташкил этувчи халқ тилининг ўзига хос характери билан узвий боғланган. Л.И.Скворцовнинг фикрига кўра, “тилнинг ривожланиши фикрлар ривожи билан ёнма-ён юради ва айнан шунинг учун услубнинг такомиллашуви чек-чегарасиздир” [6]. Шу ўринда К.С. Горбачевичнинг қуйидаги фикрини келтириб ўтиш жоиздир: “ҳар бир давр ривожланиш жараёни тил структурасини қайта ва қайта қуришлишига, пассив сўзлар билан актив сўзларнинг ўрин алмашувига ҳамда стилистик қатъий қоидаларнинг бузилишига олиб келди” [2]. Таъкидлаш жоизки, “лексик қатламнинг бойиши ва ундаги сўзлардан вазиятни инобатга олмаган ҳолда хоҳлаганча фойдаланиш қўпол стилистик хатога, яъни адабий тил нормасининг бузилишига олиб келади” [2], деган фикрни билдиради. Ҳақиқатдан ҳам сўз доимо ҳолатга мос равишда танланади ва мулоқот амалга оширилади. Г.С. Коляденко ва М.П.Сенкевичларнинг изоҳлашича, “стилистика нутқ санъатини ўргатадиган, унинг энг юқори ифодалилик даражасига эришиш кўникмасини яратадиган нутқ маданиятининг энг юқори чўққисидир” [3].

НАТИЖАЛАР

Ёзувда меъёр матнни тартибга солса, стилистика ушбу матнни рангбаранглигини таъминлайди. Б.Н. Головиннинг фикрича, “тил услуби одатда вазифавий деб номланувчи услубларни ўрганади. Масалан: сўзлашув услуби....” [1]. Тил ҳамда нутқ услубининг вазафалари хусусида Б.Н. Головин турли мулоҳазалар юритиб, бу борада олиб борилган тадқиқотларни таҳлил қилган. Унинг қуйидаги фикри бунинг далилидир: “тил услуби ва нутқ услубини тушунишга мувофиқ равишда турли ҳолатларда тил турлича ишлатилади ва тилдаги қўлланилган бу ҳар хиллик унга мос келувчи маъноларни тўғри қўллаш мумкин” [1]. Демак тил бирликларидан нутқ жараёнида вазиятга қараб тўғри фойдаланиш бу усуллар яъни нутқнинг турли кўринишларига олиб келади. Сўнгги Артур Конан Дойлнинг “Тўртлар белгиси” номли қиссасидан келтирилган парча бадиий санъатга бойдир. Масалан:

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00275

“It was a September evening and not yet seven o'clock, but the day had been *a dreary one*, and a dense drizzly *fog lay low* upon the great city. Mud-coloured *clouds drooped sadly* over the muddy streets”.

“Был сентябрьский вечер, около семи часов. С самого утра стояла *отвратительная погода*. И сейчас огромный город *окутывала плотная пелена тумана*, то и дело переходящего в дождь. Мрачные, грязного цвета *тучи низко нависли над* грязными улицами”.

“Сентябрь оқшоми, соат еттилар чамаси эди. Эрталабдан *ҳаво айниганди*. Ҳозир азим шаҳар устида *қалин туман пардаси* қоплаган, у дам-бадам ёмғирга айланарди. Қора, гугуртранг булутлар ифлос кўчалар устида муаллақ *осилиб турарди”*.

1) *a dreary day – отвратительная погода – ҳаво айниганди* – инглиз тилида *day* сўзининг рус ва ўзбек тилидаги вариантлари *погода* ва *ҳаво* лексемалари бўлиб, айнан шу сўзларнинг қўлланилганлиги метафорани жонлантириш санъатига ўзгартирган;
2) *a dense fog lay – окутывала плотная пелена тумана – қалин туман пардаси қоплаган* - уччала ибора ҳам метафорага оид бўлиб, аслиятда ифодаланмаган *пелена – парда* лексемалари рус ва ўзбек тили таржималарида маънони янада тушунарли бўлиши учун ишлатилади. Яна ушбу лексик бирликлар жонлантириш ва синекдоха каби тасвирий ифодарга ҳам хосдир;
3) *clouds drooped sadly – тучи нависли над – булутлар муаллақ осилиб турарди* – ушбу лексик бирликлари метафора ва жонлантириш каби санъатларни ифодалайди.

МУҲОКАМА

Маълумки, тилимиздаги воситаларнинг кўплаб кўринишларга эгалиги, синонимик ранг-баранглиқни нутқда яққол ифодаланишига ва стилистик меъёрларни ҳар хил йўсинда қўлланилишига имкон беради. Ушбу жараён тил бирликларининг ўзига хос услубий чегараланишини тақозо этади. Тил бирликларини ижтимоий муҳитда танлаб ишлатиш зарурати ва уларни тилшуносликда илмий-амалий таҳлил қилиш стилистикада янги соҳа, яъни вазифавий (функционал) услубшуносликни вужудга келишига сабаб бўлди.

Бизнинг назаримизда, вазифавий стилнинг бир кўриниши бўлган бадиий адабиётда лаҳжа, жаргонлар ва шунга ўхшаш сўзлардан фойдаланиш асар қаҳрамони ҳақидаги тасаввуримизни кенгайтиради. Сўз маъноларининг нозик

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24411/2181-1385-2021-00275

маъновий фарқи, унинг турли-туманлиги, ва вазифалари лексеманинг стилистик характерида мужассамлашиб бирлашади. Насрий асарда қўлланилган стилистик воситалар таржимаси назмдаги каби унчалик қийинчилик туғдирмайди.

ХУЛОСА

Юқорида келтирилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, матнда бадиий санъатдан фойдаланиш ўқувчини дунёқарашини бойишига ва нутқ маданиятини янада такомиллашувига олиб келади. Таржимада тасвирий ифодаларни тўлалигича акс эттириш таржимоннинг маҳорати ва ўша тил ҳақидаги билимининг мукаммаллигига боғлиқ. Таржимада энг асосий вазифа – матнни асли каби ўқувчига етказиш.

REFERENCES

1. Головин Б.Н. (1980). Основы культуры речи. Высшая школа.
2. Горбачевич К.С. (1971). Изменение норм русского литературного языка. Просвещение.
3. Коляденко Г.С., Сенкевич М.П. (1981) Развитие речи с элементами стилистики. Просвещение.
4. Кузнецов С.А. (2004). Современный толковый словарь русского языка. Ридерз Дайджест.
5. Люстрова З.Н., Скворцов Л.И. (1972). Мир родной речи. Знание.
6. Скворцов Л.И. (1980). Теоретические основы культуры речи. Наука.